

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

БҲҲҲҲ ДҲҲҲ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 153 (4400). | 4 август, 1970 йил. СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ПРОКАТЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ РАПОРТИ

КПССнинг XXIV съезди шарафига зарбдор вахтада турган «Ташкентабель» заводнинг прокатчилари мусобақани янги меҳнат галабаси билан бошлаб бердилар. Улар корхонада биринчи бўлиб беш йиллик топширгини барвақт бажардилар.

«250» стандада хизмат қилувчи коллектив партиянинг XXIII съезди арафасида ўртача бир соатда мис катанка олти бўйича биринчи марта Бутуниттифок рекордини эгаллаб эди. Шундан бери прокатчилар ўз кўрсаткичларини доимо яхшилаб бордилар. Улар беш йиллик бошлангичдан бери рекордагидан

қарийб бир тонна ошириб юборишга муваффақ бўдилар.

Станция реконструкция қилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга аздай берди. Натижада лойиҳадаги қувватдан уч баравар ўзиб кетилди. Рационализаторлар технология процессларини механизациялаш ва автоматлашга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Завод прокатчилари партиянинг XXIV съезди шарафига беш йиллик топширгига қўшимча равишда 27 миллион сумлик махсулот беришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).



Бинали Мамедов Бўка районидаги Оқунбобоев номи колхозининг илгор эвенго боғида ишлайди. У раҳбарлик қилаётган эвенго аъзолари 60 гектар ерда пахта етиштирмоқдалар. Ҳозир ҳар туп гўзада 5—6 тадан курак бор. Шу кунларда ҳам гўза парварини қизини давом эттирилмоқда. Суратда: гўза культивацияси пайти. О. Абдурахмонов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон КП Тошкент областъ комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда областъ партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ «КПСС Марказий Комитети июль (1970 йил) Пленуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XIX пленуми якунлари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида областъ партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Ўртоқ М. М. МУСАХОНОВ докладини муҳокама қилишда Бўка район партия комитетининг биринчи секретари М. Э. ЭГАМБЕРДИ-

ЕВ, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари А. П. АЛИМОВ, Чирчиқ электрокимё комбинати партия комитетининг секретари Ю. А. СОБОЛЬ, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари М. НУЪМОНОВ, областъ қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Т. М. ОРТИҚҲУЖАЕВ, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари С. А. АХМЕДОВ, Калинин районидagi Илчык номи колхоз раиси С. РАХМАТУЛЛАЕВ, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. МУҲАМЕДОВ, «Бўка» сов-

хозининг бригада бошлиғи М. А. КОВАЛЕВА, Ўзбекистон ЛКСМ областъ комитетининг биринчи секретари О. У. ИСҲОҚОВ, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. ЭРҒАШЕВ, Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари Т. Ғ. ШАМСИЕВ, Оққўрғон район ижроия комитетининг раиси Х. ОБИДОВ, Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозининг раиси И. А. ЦОЙ, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. ЮСУПОВ ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган ма-

сала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўрилди.

Пленум В. Н. ХЕГАНИН областъ партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг муdiri қилиб тасдиқлади. М. А. АХМЕДОВА бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан областъ партия комитетининг фан ва ўқув юртлари бўлими муdiri вазифасидан озод қилди. Областъ партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими муdiri қилиб А. И. ИКРОМОВ тасдиқланди.

ИЛГОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети чорвачиликни ривожлантириш бўйича областлар, районлар колхозлар ва паррандачилик фабрикалари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1970 йил биринчи ярим йиллик якунларини қараб чиқилар ва илгор областлар, районлар, совхозлар, паррандачилик фабрикалари қатори республика кўча-ма Қизил байроғини Бўстонлиқ районига ҳам беришга қарор қилдилар.

Бу район 1970 йилнинг олти ойи мобайнида қорамоллар туғини 5,7 процент, шу жумладан сиғирлар туғини 7,6 процент, чўчалар туғини 26,4 процент, қўй ва эчкилар туғини 37 процент кўпайтирган. Қорамолларнинг 99,6 процентини, қўй ва эчкиларнинг 99,6 процентини сақлаб қолган. Ҳар юз бош сиғирдан 49 тадан бузоқ, ҳар юз бош ургочи чўчадан 1473 тадан чўча боласи олган. 1970 йилнинг олти ойи мобайнида ҳар бир сиғирдан 1969 йилнинг шу давридагига нисбатан 30 килограммдан кўп сут соғиб олган. Давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планнинг 102,1 процент, сут сотиш ярим йиллик планнинг 103,7 процент, тухум сотиш ярим йиллик планнинг 206 процент бажарган. Дағал ҳаман тайёрлаш планнинг 50,7 процент адо этган.

Илгор чорвадорларни рағбатлантириш учун маблаг ажратилди.

•Август — ҳосил — ҳосил қилишида зарбдор ой. •Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Бекобод районларининг сабзавоткорлари, махсулот тайёрлашни кучайтирингиз. •Маккажўхори билан хашаки лавлагини қўшиб ўстириш — ем-хашакни кўпайтиришда муҳим резерв. •Силос — сут оқими. •Бўстонлиқ, Янгийўл районлари дағал хашак жамғаришда областъ даражасидан орқада қолмоқдалар.

СИЛОС БОСТИРИЛЯПТИ

Янгийўл районидagi «Ленин» колхозидagi пахтачилар билан бирга чорвачилик ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Чорвадорлар моллар озқасини кўпайтириб, озура рационини доимо ширалли ем-хашак ҳисобига бойитиб бормоқдалар. Ем-хашак тайёрлаш бригадаси аъзолари 70 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, маккажўхори экишган. Экинлар силосбон қилиб ўстирилди.

Экинларда чорвадорлар механизаторлар билан биргаликда ҳосил

сиди янгиштириб, силос бостиришни кучайтириб юбордилар. Бу ишда Тошканбой Исмомов, Маисур, Инагомов, Мирзараҳим Эгамбердиев каби тиниб-тинчи мас механизаторлар ўрин кўрсатиб ишлашпти. Тракторлар бестиним ишлаб турибди. Шунинг учун ҳам маккажўхори поссини преслаш чакни бўлмапти. Кунига 20 тоннадан ошириб силос тайёрланмоқда. Ҳозирга қадар 700 тонна силос тайёрлаб қўйилди.

Э. ТОШМУРДОВ.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛДИ

Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхозининг Судтомурад Тўхтамурадов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам бу ганимат дамлардан унумли фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни пешмапеш йиғиб олмақдалар.

Қандай бригадани қарашли 130 гектар ер сифатли шудгор қилиб, баҳорда текинланди. турли

қилдиги сабзавот уруғлари қадашди. Икки гектар-ерга эртаги нар-тошқа экилди. Ҳосил нўтилганидан эида бўлди.

Бригада аъзолари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб меҳнат қилмоқдалар.

М. АСАТОВА.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

АРАЛАШ ЭКИШ МУҲИМ РЕЗЕРВ

Тожикистон ССР Қўрғонтепа районидagi Қўбонбобоев номи, Сирдарё областидagi «Пахта-орол» совхозлари ва бошқа илгор хўжаликларда кейинги йилларда ширалли ем-хашак етиштиришни кўпайтириш мақсадида маккажўхори хашакни лавлаги билан қўшиб экиш кенг тажриба қилинмоқда. Ем-хашак экинлари ўстиришнинг бу прогрессив усули бир далазнинг ўзидан бир йилда думбул сутали маккажўхоридан ва хашаки лавлагидан юқори ҳосил олиш имкониятини бермоқда.

Шу йилнинг баҳорида бизнинг областимизда 63 хўжалиқнинг 750 гектар ерига тажриба тариқасида маккажўхори, хашакни лавлагини билан қўшиб экилди.

Кузатиш натижасида шу нарса аниқландики, қўшчилық хўжаликларда бу экинлар яхши парварини қилинмоқда, улардан мўл ҳосил олиш кўтилмоқда. Масалан, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», 1-«Пискент», 1-«Давларзин» совхозлари ва Бўка районидagi Свердлов номи колхозлар, областнинг бошқа хўжаликларидagi аралаш озуқа экинларининг ҳар гектаридан 300—350 центнердан кўп масса олинмоқда. Хашакни лавлагини яхши ривожланимда. Парварини ишлари ўрнига қўйлаётганлиги туфайли гектаридан 300 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Бироқ, айрим хўжаликларда экин вақтида белгиланган агротехника қоидаларига етарли риоя қилинмаган, ўсимлигини яхши парварини қилинмаган. Оққўрғон районидagi Вотицев номи колхозда (бош агрономи Т. Ҳамдамов) тўрт гектар ерга

экинлар аралаш экинни ўт боғлаб кетган. Бу майдонларда қатор-ораларига ишлов бериш деярли ўтказилмаган, янага қилинмаган, ўсимлик очор ахволда, сувсизлаб қолган.

Бир қатор хўжаликларда эса аралаш экинган маккажўхори ўз вақтида ўриб олишга етарли эътибор берилмапти. Натижада маккажўхори ҳосилдорлиги намайиб кетаётди, хашаки лавлагини экиннинг қатор оралирига ишлов бериш чўзиб юборилмоқда, бу ҳам ўз навбатида ҳосилдорлигини пасайиб кетишига олиб келади.

Ҳатто биз юқоридagi мақтаб ўтган «ЎзССР» беш йиллиги совхоз ва Оқунбобоев номи колхозларда ҳам аралаш экинлардан мўл ҳосил етиштирилган бўлишига қарамаддан ўрим-йиғим ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Бу ерда ҳам қатор оралирига ишлов бериш чўзиб юборилди ва хашаки лавлагини парварини сус. Ваҳоланки, хашакни лавлагидан мўл ҳосил олиш учун ҳозирги кунда қатор оралирига ишлов беришни сира «бушаптирмаслик» зарур.

3-«Давларзин» совхозда маккажўхори ўриб олинган, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар бепарволини оқибатда 5 гектар ердаги лавлагини экинни бир ҳафтагача сугорилмаган, культивация қилинмаган. Шу туфайли лавлагини экинни ўт

босган. Нам етарли бўлмаганлиги туфайли айрим улардаги лавлагини яхши ўсмай сарғая бошлаган.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумида партия, совет, хўжалик органларини, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларни эътибори чорвачилик соҳасидаги эътиборни тўла қондириш учун ем-хашак етиштиришни кўпайтириш зарурлигига қаратилади.

Ем-хашак етиштиришнинг кўпайтиришнинг прогрессив усули бўлган маккажўхори ва хашаки лавлагини аралаштириб экиш ширалли ем-хашак тайёрлашни икки баравар кўпайтириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бу қимматли ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаш, бу илгор усулни областнинг барча хўжаликларидagi жорий этилишига ҳаракат қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг областъ ва район раҳбарлари ва мутахассислари, областъ совхозлар трести раҳбарлари маккажўхори ва лавлагини қўшиб экинган тажриба участкаларида бажарилаётган ишларни назорат қилишни кучайтиришлари, бу муҳим ишни еамунали бажаришда колхоз ва совхозларга зарур ёрдамни кўрсатишлари талаб этилади.

Барча хўжаликларда аралаштириб экинган маккажўхори ва хашаки лавлагини ҳосилни ўз вақтида ўриб-йиғиб олишни таъминлаш керак. Биринчи нав-

батда маккажўхори ҳосилни ўриб олишни йўлга қўйиш лозим. Ана шунда маккажўхори кўнпосидан мўлмаддаги ҳосил олинади. Шу билан бирга хашакни лавлагини парварини давом эттириш, исрак. Бунинг учун маккажўхори ҳосилни ўриб олинган, дарҳол хашакни лавлагини қайтадан янага қўйишни ташкил этиш, ҳар бир уйда икки-учтадан ўсимлик қолдириш мақсада мувофиқ қатор оралирини кенг ва чуқур культивация қилиш, ўтчи йўқотишга эришиш зарур. Ҳар бир экин майдонини тулпор шариоти, ўсимлик ривожини ҳисобга олган ҳолда озиқлантириш ва сугорилишни йўлга қўйиш лозим. Юқоридagi айтиб ўтилган ишлар кўп меҳнат талаб қилади. Шу боисдан ем-хашак етиштирувчи бригада ва эвеноларни қўшимча техника ва ишчи кучлари билан таъминлаш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан таъбирлар ишлаб чиқилаётганда колхозчилар ва совхоз ишчиларига аралаш экинлар ва ем-хашак экинларини тақрирвий экиннинг самарадорлигини кенг тушунириш зарур.

Шунга эришиш керакки, 1971 йил пландада областдаги ҳар бир колхоз ана шу экинларни кўплаб экинни кўда тутсин. Бунинг учун эса ҳозирда бошлаб тайёрларли ишларини кучайтириш зарур.

Д. МОЛДАНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	67,7
Бўка	29,2
Янгийўл	29,2
Калинин	29,1
Ўрта Чирчиқ	23,7
Оржоникидзе	22,0
Юқори Чирчиқ	20,1
Бўстонлиқ	18,1
Бекобод	10,0

Область бўйича 25,7

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Тошйириққа нисбатан процент ҳисобида)

Юқори Чирчиқ	64,6
Оржоникидзе	60,6
Оққўрғон	56,7
Ўрта Чирчиқ	52,6
Калинин	50,6
Бўка	49,7
Янгийўл	45,0
Бекобод	44,1
Бўстонлиқ	24,6

Область бўйича 51,8

ХП ЧАҚИРИҚ МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, XII Чақириқ Тошкент шаҳар советининг VI сессияси 1970 йил 14 августда эрта билан соат 10.00 да республика «Билимлар уйи»да (Киров кўчаси 24-уй) чақирилади.

Сессия муҳокамага қуйидаги масалалар киритилди. 1. «Гавташкентстрой» ташкилотларида, шаҳар уй-жой бошқармаси ва шаҳар пассажирлар ташини транспорт ҳама турларининг ривожлантириш ҳамда қориднациялар ишлари бўйича бошқармаларнинг қишги шариотда ишлашга тайёрлигининг бориши тўғрисида.


Докладчилар: «Гавташкентстрой» бошлиғи ўртоқ В. Н. Маркин. Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. Х. Бурхонжоев. Шаҳар пассажирлар ташини транспорт ҳама турларининг ривожлантириш ва қориднациялар ишлари бўйича бошқарма бошлиғи ўртоқ А. М. Мунинов.

Шаҳар Советининг уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссия ишлари тўғрисидаги ҳисобот. Докладчи: доимий комиссия раиси ўртоқ Г. С. Финкельштейн.

Депутатлар шу бинонинг ўзнда 1970 йил 14 август эрта билан соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинади.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА



КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан руҳланган «Ўзбексельмаш» заводининг ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлари республикамиз колхоз ва совхозларига кўплаб турли-туман машина ва механизмларни жўнатишпти. Суратда: (чапдан) слесарь В. Ритов тўрт қаторли пахта териш машинасини охири бор синаб кўрмоқда. (Ўртада) жўнатишга тахт қилиб қўйилган пахта териш машиналарини кўриб турибсиз. А. Тураев фотолари.

